



ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАН МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март кунини бўлиб ўтган сайловда Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат аъзолари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.

Жумладан:

Испания Қироли	— Фелипе VI
Испания Қироллиги ҳукумати раиси	— Мариано Рахой
Бельгияликлар Қироли	— Филипп
Сербия Республикаси Президенти	— Томислав Николич
Бразилия Федератив Республикаси Президенти	— Дилма Вана Руссефф
Куба Республикаси Давлат кенгаши ва Вазирлар кенгаши раиси	— Рауль Модесто Кастро Рус
Кувейт Давлати Миллий мажлиси раиси	— Марзук Али ал-Фоним
Васеда университети президенти	— Каору Камата

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

ОДАМЛАР БИЗДАН КЎП НАРСА КУТАДИ

Улар бунга ҳақли ва биз бу ишончини оқлашимиз шарт

ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида келгусидаги вазифалар муҳокама этилиб, ана шундай қарорга келинди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят, туман, шаҳар партия кенгашлари раҳбарлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳи аъзолари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари иштирок этди.



Пленумда дастлаб Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган гоилардан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришда партия ташкилоти иштироки хусусида фикр алмашилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Акмал Умаралиев кун тартибидagi масала бўйича маъруза қилди.

► Давоми 2-бетда.

Эътироф

Кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида 2015 йил Ўзбекистонда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилинди. Ёши улуг инсонларга эҳтиром кўрсатиш жамият маънавияти ва маданияти юксаклигини кўрсатади. Ўзбек халқи учун бундай юксак ахлоқий сифатлар неча-неча асрлардан буён жуда ардоқлидир. Кекса авлод вакиллари ғамхўрлик кўрсатиш эса мамлакат мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Вэй Син,
«Дунфан Цзубао»
газетаси Халқаро
ахборотлар
департаменти директори
(Хитой).

Тинч
хонадонга
қалдирғочлар
ин қуради!



Ўтмиш ва
бугун
ТАҚҚОСЛАНГАНДА
ҲАҚИҚАТ НАМОЁН
БЎЛАДИ

ДЕПУТАТЛИК БУРЧИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

сиёсий партиянинг нуфузини
оширишга хизмат қилади

Сайловлар жараёни, сайловолди ташвиқот-тарғибот тадбирларида сиёсий партиялар сайловчиларга мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли, хусусан, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз дастурларини тақдим этган, содда қилиб айтганда, сайловолди ваъдаларини берган эди. Сайловчилар эса ана шунга қараб, улардан кўрсатилган номзодларга овоз берди. Сайлов ҳам ўтди. Энди ана шу ваъдаларни бажариш, Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, сайловчи ишончини оқлаш учун ҳаракат қилиш лозим.

Сайловолди дастурида сиёсий партиянинг белгилаб олган асосий вазифалари, гоилари ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастурида кейинги беш йил давомида партия ташкилотлари ҳамда депутатлик корпуслари зиммасида турган асосий вазифалар, уларни амалга ошириш механизмлари ва йўллари аниқ кўрсатилган.

Ҳаракат дастурида, энг аввало, ЎзХДПдан Олий Мажлис

Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар назорат ваколатлари ва вазифаларини самарали бажаришини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки берилган ваколат ва имкониятлардан самарали фойдаланилмас экан, Сайловолди дастурида белгиланган бирор-бир мақсадга эришиб бўлмайди.

► Давоми 2-бетда.

Давлат ҳокимияти барча идораларининг аҳоли манзилли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича энг муҳим вазифаси — меҳнатга лаёқатли одамларни ишга жойлаштириш, аввало, ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этишдан иборат бўлиши лозим.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастуридан.

ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

«ЁШ СИЁСАТЧИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ

Жойларда ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан «Мен Ватаним тараққиётига ҳисса қўишни хоҳлайман» шиори остида «Ёш сиёсатчи — 2015» кўрик-танловининг туман босқичлари ўтказилляпти. Ушбу танлов ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва уларнинг истеъдодини юзага чиқариш, рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган.

Танловнинг Юнусобод туман босқичи кизгин баҳс-мунозаралар билан ўтди. Унда бошланғич партия ташкилотларида гоилиб бўлган 9 нафар иштирокчи беллашди. Дастлабки шарт-

га биноан иштирокчилар ўзлари истикомат қилаётган ҳудудда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўиш бўйича амалга оширилиши мумкин бўлган лойиҳаларни тақдим этишди. Қувончбек Эргашевнинг «Спорт — соғлиқ гарови» номли лойиҳаси намунали деб баҳоланди. Бундан мактаб ва касб-хунар коллежи ўқувчилари орасида сўровнома ўтказилиб, қайси спорт тури кўп овоз олса, ўша спорт тури ривожлантирилади.

Танлов якунида Ҳуснида Масалиева ва Дилшод Тожидинов иккинчи ҳамда учинчи ўринларга лойик деб топилиди. Мусобақа гоилиби Қувончбек Эргашев эса танловнинг шаҳар босқичига йўланма олди.

Ферузобону НАБИЕВА

ЎзХДП ДЕПУТАТЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

Кўшалок спорт иншооти

Денов нефтбаза унитар корхонасида 200 нафарга яқин киши меҳнат қилади. Уларнинг 100 нафардан ортиғи партияимиз аъзоси. Ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакиллари кўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ёш авлод учун қулай шароитлар яратиш борасида жамоа томонидан қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Корхона раҳбари, халқ депутатлари Денов туман Кенгаши депутати Бахтиёр Янгйбоев партияимиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, яқинда яна бир хайрли ташаббусга бош бўлди.

Ҳудуддаги 77-умумтаълим мактаби баскетбол майдончаси таъмирланди, ёшлар учун янги мини-стадион қуриб берилди. Спорт масканларининг очилишига бағишланган тадбирда мам-

лакатимизда спорт, хусусан, болалар спортга алоҳида эътибор берилаятгани эътироф этилди.

— Ҳудудда 98 та умумтаълим, 28 та мактабгача таълим, ўнга яқин спорт ва бошқа йўналишдаги муассасалар фаолият кўрсатмоқда, — дейди Денов туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири, ЎзХДП аъзоси Хайдар Сувонов. — Мустақиллик йилларида кўплаб умумтаълим мактабларининг янги

бинолари қурилди, қолганлари жорий ва капитал таъмирланди. Бу борадаги ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом этаётганидан хурсандимиз.

— Бу спорт майдонлари ўғил-қизларимизга ажойиб совға бўлди, — дейди 77-умумтаълим мактаби директори, партияимиз фаоли Гавхар Худойбердиева. — Бунинг учун депутатимиздан миннатдоримиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

ЗИММАМИЗДАГИ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ

ҳар биримиздан қатъийлик ва
фаоллик талаб этади



«Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз» лойиҳаси доирасида Тошкент вилояти Бўка туманида тадбир ўтказилди

